



АРАБ ТИЛИДА МУТЛОҚ МАСДАР- КУЧАЙТИРУВЧИ ТҮЛДИРУВЧИННИГ ИФОДАЛАНИШИ

Jumanyazov Mansur

Sharqshunoslik Universiteti

Аннотация: Ушбу мақолода араб тилида мутлоқ масдар-кучайтирувчи толдирувчи ҳақида араб грамматик олимларининг илмий қараашлари акс етган бўлиб, унинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Мафулун мутлоқ; мутлоқ масдар; ҳаракат номи; кучайтирувчи; тақидловчи


Жаҳон тилларидан бири деб эътироф этилган араб тили инсоният тараққиёти тарихида ғоят муҳим ўрин эгаллаган. Араб тилида жаҳон маданиятининг дурдоналарига айланган кўплаб адабий-бадиий, фалсафий, диний, тарихий, сиёсий мавзулардаги асарлар ҳам яратилган. “Араб тилидаги маданият” деб аталмиш бу маданиятнинг шаклланиб, ривожланишига Бухорий, Замахшарий, Беруний каби кўплаб аждодларимиз ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. Ўзлигимизни англаш, келажакка интилган умумбашар карвонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва уни қўлдан чиқармаслик учун, ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий пок, илм-маърифатга чанқоқ, Ватанига, халқига садоқат руҳида тарбиялашимиш учун аждодларимиздан қолган илмий меросни халқимизга етказишимиз, фарзандларимиз онгига сингдиришимиз лозим³. Бу эса биз тадқиқотчилардан араб тилини мукаммал ўрганишимизни тақозо қиласи.

Маълумки, араб тили грамматикаси мутлақо мустақил тарзда, бошқа тилларга боғланмаган ҳолда яратилган. Шу сабаб бу тил грамматикасида бошқа тилларда учрамайдиган, яъни унинг ўзигагина хос бўлган айрим грамматик категориялар мавжуд. Биз тадқиқ қилмоқчи бўлган мафъул мутлақ ана шундай мавзулардан биридир.

Араб тилида энг кўп ишлатиладиган келишиклардан бири бу тушум келишиги бўлиб, у араб наҳвида “исмларнинг насб ҳолати”, деб аталади ва иккига бўлинади. Булар: 1) Асл (тушум келишигидаги исмлар); 2) Аслига ўхшаш Асл тушум келишигидаги исмлар мафъуллардир ва уларнинг беш тури мавжуд. Уларга мафъули мутлоқ (ўз-ўзини тўлдирувчи), мафъул биҳи (воситасиз тўлдирувчи), мафъул фиҳи (пайт ва ўрин ҳоли), мафъул маъаху (биргалик тўлдирувчиси), мафъул лаҳу ёки мафъул лиажлиҳи (сабаб ва мақсад ҳоли)лар киради⁴. Кўриб турганимиздек, араб тилшунослари мафъул мутлақни ҳам асл

³ А.Абдужабборов. Араб тили. –Т.: ТИУ, 2007.-Б.4.

⁴ فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. ص. 66





тушум келишигидаги исмлар гуруҳига киритишган ва унга қуидагича таъриф берадилар:

المفعول المطلق و هو المصدر غالٍ نحو: ضربت ضرّباً و ضربة و ضربتين و قعدت جلوسًا.⁵

Мафъул мутлақ у аслида ҳам масдарнинг ўзи. Масалан:

ضربت ضرّباً و ضربة و ضربتين قعدت جلوسًا

“Мен бир, икки қаттиқ зарба урдим ва ўтиридим”.

Кўриниб турибдики, феълнинг масдари гап таркибида баъзан шу феълдан гаплашилган маънони қучайтириш учун ишлатилиши мумкин. Бу вазифадаги масдар “мафъул мутлақ” ёки “мутлақ масдар” дейилади ва у гапнинг охирида, ноаниқ ҳолатда, насб ҳолатида келади.

Масалан, “Ўғрини зарб билан (қаттиқ) урдилар”.

Тилшунос Б.М.Гранде мутлақ масдар хусусида шундай дейди: “Маълумки ҳар бир феъл, хоҳ у ўтимли, хоҳ ўтимсиз бўлсин, ўзининг масдарига эга бўлади. Тушум келишигидаги келган бундай масдарлар яъни мутлоқ масдар (مفعول مطلق абсолютный объект) деб аталади ва улар қуидаги ҳолатларда ишлатилади.

ضرّبه “кучайтириш”⁶ ва феълнинг маъносини таъкидлаш мақсадида ضرباً - سارسیراً - у уни урди, ضرباً - у роса юрди.

2) “алоҳида” ажратиб кўрсатиш учун (للنوع) ёки (للتمييز) ва шу ҳолатни алоҳида белгисини ифодалаш учун. Бундай ҳолларда ҳаракат номи ўзининг сифатловчи аниқловчисига эга бўлиши мумкин. Масалан:

ضربته ضرباً شدیداً عuni қаттиқ урдим

سرت سیرا طوبیلاً Men (роса) узок юрдим.

انتصرها انتصرا كبيراً. Биз катта муваффақият қозондик.

ضحك الطالب ضحكا شدیداً. Талаба қаттиқ кулди.

Шунингдек, сифат ўрнида қуидаги аниқловчилар ҳам келиши мумкин:

а) баъзан у ўзининг мослашмаган аниқловчиси билан бирга келиши мумкин. У қўрқоқлардек қўрқди خاف خوف الجبان –

б) алоҳида жумла билан келиши мумкин.

ضربته ضرباً اوْ جَعَهُ “Мен уни оғриниб урдим”.

в) бир неча ҳаракат ўрнига бир маротаба рўй берадиган ишҳаракатда ҳам келиши мумкин.

ضربته ضربة و ضربنى ضربتين “Мен уни бир маротаба урдим, у эса мени икки маротаба урди”.⁶

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мутлоқ масдар ўрнида айнан шу феълнинг эмас, балки шунга ўхшаш феълнинг масдари келиши мумкин.


Масалан:

وقف قياماً وقف و قوًفاً “у турди”.

جلس قعوًداً جلس جلوسًا “у ўтириди”

⁵ Носирова М. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. Т., 2004. 296.

⁶ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительноисторическом освещении. М., 1998. С. 338





Яна араб тилшуносларининг фикрларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

المفعول المطلق إسم منصوب من لفظ الفعل (مصدر) يذكر معه فуад Неъматнинг айтишича، “ماфъул мутлақфөйлдан ясалган (масдарнинг) насб ҳолатидаги исмдир ва у таъкидлаш унинг турини ёки сонини билдириш маъноларини ифодалайди”⁷.

Масалан:

حفظت الدرس حفظاً - دارسني ёлладим

يجمع الفلاح القطن جمعاً - دەخکون پاختانى يىғادى

Мафъул мутлақ билан бирга мослашган ва мослашмаган аниқловчилар келиши мумкин, деган фикрлар барча дарслкларда мавжуд.

Жумладан, Н.И.Иброҳимов ва М.Юсуповнинг “Араб тили грамматикаси” дарслигига мағъул мутлақни “*масдари мутлақ*” деб атайдилар ва баъзи ҳолларда масдари мутлақдан олдин *كُلْ* “أشدُ” сўзлари наслб ҳолатида келиб, масдари мутлақ эса уларга нисбатан музоф илайҳи *-مضاف اليه* изофанинг иккинчи бўлаги бўлиб келиши мумкин, деган фикр билдирадилар.⁸

Бу изофа ҳам феълдан англашилган ишҳаракатнинг даражасини ошириш учун хизмат қиласиди.

Масалан: حبت الأم اولادها كل الحب яъни: “Она ўз фарзандларини (жуда) қаттиқ севарди”.

В.Э.Шагал бундай ҳолларда таржимага “жуда”, “кучли” сўзлари қўшилиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Масалан, “**ضربه أشد الضرب**, **“Уни бор кучи билан урди”**⁹.

Бунга ўхшаш ва бошқа шу каби ҳолатлар ҳақида араб тилшунослари кенгроқ түхталиб ўтадилар.

قد ينوب على المفعول المطلق ما يدل عليه و من ذلك.¹⁰

“Мафъул мутлақ үрнига қуидагилар келиши мумкин”.

Яъни, “بعض” کىل“ ва сўзларини мутлақ масдарга музоф қилиб беришимиз мумкин.

Масалан,

- أَحْتَرُهُمْ كُلَّ الْإِحْتِرَام - “Мен уни жуда ҳурмат қиласаман”.

Ушбу жумлада “كل” сўзи мафъул мутлақ бўлиб, насб ҳолатида, “احترام” сўзи эса унга музоф илайҳи бўлиб келган.

“Мен унга баъзи иккиланишларни билдиридим”. - أتى تردد عليه بعض التردد

Бу жумлада эса “بعض” сўзи мафъул мутлоқ бўлиб келган, “التردد” сўзи эса унга музоф илайҳи бўлиб келган.

Шунингдек, қоидага күра, мағъул мутлоқ насл ҳолатидадир.

...أن نأتي بمرادف للمصدر.¹¹

⁷ فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. ص. 69

⁸ Ирохимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т., 1998. –Б. 146.

⁹ Шагал В.Э., Мерекин М.И. Учебник арабского языка. –М., 1983. –С. 126.

¹⁰ فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. ص. 69



“Масдарга синонимларни беришимиз мумкин”. Масалан:

– دفعته حفراً – “Мен уни турғизиб юбордим”.

Ушбу жумлада دفعاً سُبْزِي حفراً سُبْزِي масдарининг синонимидир.

Масдарни бермай туриб шу масдарнинг сифатинигина беришимиз мумкин.
Масалан:

تتطور الحياة سريعاً

تتطور الحياة تطوراً سريعاً (هذا مع مصدر)

“Хаёт тез суратлар билан ривожланмоқда”.

Биринчи жумлада мағъул мутлоқ تطوراً سُبْزِي тushiрилиб қолдирилиб, унинг сифати سُبْزِي سُبْزِي үзи берилган. У ҳам “تطوراً سريعاً” каби насб ҳолатидадир.

أن نأتي باسم الإشارة قبل المصدر.¹²

“Масдардан олдин кўрсатиш олмошини беришимиз мумкин”.

اكرمته ذلك الإكرام-. مен уни хурмат қиласардим

ان نأتي بما يدل على عدد المصدر.¹³

“Масдарни сонидан далолат берувчи сўзларни беришимиз мумкин”.

قابلته عدّة مرّاتٍ - مен уни بير نеча مارотабا учратдим

Ушбу жумладаги “عدّة” сўзи мағъул мутлақ үрнида келган бўлиб насб ҳолатидадир.

Баъзан мағъул мутлақ иштирок этган жумлаларда феъл тushiрилиб қолдирилиши мумкин.

Масалан,

اشكرك شكرًا اслиدا эса شكرًا

قوموا قياماً اслиدا эса قياماً

“انت إبني حقاً” – “Сен ҳақиқатдан ҳам ўғлимсан” жумласида мағъул мутлақ бўлиб келган حقاً سُبْزِي тushiриб қолдирилган феълнинг масдари бўлиб, аслида унинг кўриниши احقيقه حقاً ا بўлиши керак эди.

“هذا رجل كريم جداً” – “Бу жуда саҳоватли кишидир” жумласини олиб кўрадиган бўлсак جداً سُبْزِي ҳам тushiриб қолдирилган феълнинг масдари бўлиб, ушбу жумланинг аслий кўриниши: هذا رجل كريم يجد جداً بўлади.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики мутлақ масдар Араб тили грамматикасидаги энг муҳим ва кўп ишлатиладиган мавзулардан бири экан. Мисолларда кўриб ўтганимиздек, унинг ясалиши ҳам турлича экан. Ўзбек ва рус тилларида дарсликларда мутлақ масдар ҳақида маълумотлар етарли эмас. Уларда бу мавзу жуда қисқа ёритилган бўлиб, фақат шу феълдан ясалган тушум келишигидаги исм, деб бериб кетилган. Шу сабаб ҳам бу мавзуни ёритишда биз асл араб манбаларидан кўпроқ маълумотлар беришга ҳаракат қилдик.

¹¹ Ўша манба. –Б. 70.

¹² فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. ص. 69.

¹³ Ўша асар.



11-SON



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А. Абдулжабборов. Араб тили. –Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
2. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Наманган: Наманган нашрёти, 2009.
3. Носирова М.А. Ўрта аср араб наҳвидан намуналар. –Т.: ТошДШИ, 2004.
4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М.: Наука, 2001.
5. Ҳифни Носиф. Ад-дурусин-наҳвийа. –Искандария: Дарул-ақида, 2007.
6. Фуъад Неъмат. Мулаҳҳас қаваидил-л-луғатил-л-арабияти. –Қоҳира, 2005.

